



## КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

“Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор”...

Улуғ орзу-ниятларимиздан бирига айланган ушбу шиор замирида халқимизнинг, давлатимизнинг хайрли мақсадлари ётибди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан жойларда ана шу эзгу шиор остида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳудудий ташилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

2

“ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!”



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИ  
Ғайрат МАЖИД

Қадим ва навқирон юртимнинг Нурафшон бўлганин кўрдим мен. Ватан деб айтганда – юраклар Бир осмон бўлганин кўрдим мен. Муқаддас, муборак айёмлар, Тую байрамлари мангу юрт, Тинчликдан ҳар гўша, ҳар кўча, Гулистон бўлганин кўрдим мен.

Чинори, минори минг йиллик, Минг йиллик бу халқнинг дostonи. Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро – Кафтида тутган дур-маржони. Бизники шу юртнинг ўтмиши, Бизники шу юртнинг даврони, Дилларда нур инар муаззам – Ҳур замон бўлганин кўрдим мен.

Мусаффо осмонга боққан чоғ, Дил ичра бир ажиб сурурлар. Момолар қўлида райҳонлар, Шукур, деб кўзларга сурурлар. Темурхон бобомдек ҳар ўғлон, Қалбида шижоат-ғурурлар. Қизлари Сароймулхонимдек Жонажон бўлганин кўрдим мен.

Кўнглимда сўз бўлган, қуй бўлган, Таърифин сўйлайми, бу шоннинг, Томири тупроқдан жон олган, Ҳалол бунёдкори ризқ-доннинг. Олтин буғдойзордан ранг олган, Камтарин, хокисор деҳқоннинг Қадр ила қимматлар топганин – Қаҳрамон бўлганин кўрдим мен.

Тамаддун азалдан сенга ёр, Буюқдир ҳамиша мақсадинг. Бу кўҳна оламга аёндинг, Иймону ирфонинг – қудратинг. Минг шукур, орзулар рўёби – Битдилар кўп йиллик заҳматинг, Янги Ўзбекистон жаҳонда Бир жаҳон бўлганин кўрдим мен.

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида катта муваффақиятларга эришилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу борада Президентимиз ташаббуслари олий даражада қўллаб-қувватланган ҳолда, ўтган қисқа даврда Марказий Осиёда сиёсий муҳит сезиларли даражада яхшиланиб, чинакам яхши кўнчилилик ва ўзаро ишонч руҳи шаклланди. Минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик даражаси янги босқичга кўтарилди.

Кейинги йилларда савдо, саноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётди. Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати, хусусан, яхши кўнчилилик ва прагматик минтақавий сиёсати давлатнинг халқаро нуфузини оширибгина қолмай, Марказий Осиёнинг барқарор ва улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айланишига хизмат қилаяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4 август куни Ашхобод шаҳрида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирокида ўтган уч томонлама саммитда иштирок этгани ва муҳим ташаббусларни илгари сургани ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади.

Этиборлиси, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетика соҳасини ривожлантириш, транспорт-логистика салоҳиятини ошириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилган ушбу учрашув ёнма-ён жойлашган республикалар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни жадал ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сабоби, кейинги йилларда минтақа мамлакатларининг муштарак очиқлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик сиёсати ўз натижасини бераётганини кўриб турибмиз. Масалан, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва логистика соҳаларида савдо амалиётлари ва кооперация келишувлари ўз натижасини бермоқда. Ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар ҳам кенгайди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янги хавф-хатарларга эътибор қаратиб, уларга муносиб ва чуқур ўйланган жавобларни биргаликда излаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бу минтақада сув танқислиги тобора ортиб, кейинги йилларда кескин тус олаётган шароитда, айниқса, муҳимдир.

Сув тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш ва ирригация тизимларини модернизация қилиш, сув ресурсларини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш, сел ва тошқин сувларини тўплаш ва сақлаш учун инфратузилмани биргаликда ривожлантириш каби йўналишларда ҳамкорликни фаоллаштириш тақлиф қилинди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ушбу масалаларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг бутун салоҳиятини ҳамда Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки каби шерик ташкилот ва тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни ишга солиш фоят муҳим.

Яна бир муҳим масала. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энергетика соҳасида, шу жумладан, энергия ресурсларини етказиб бериш ва уларнинг транзити борасида яқин, самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу боис саммитда мамлакатларимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтишга иштироки муштарак эканини ҳисобга олиб, гидро ва иссиқлик энергетикасида лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзаро интеграциялашган транспорт инфратузилмасини яратиш борасидаги савб-ҳаракатларни бирлаштириш масаласида алоҳида эътибор қаратилиб, “Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон” йўлагининг ривожлантирилиши, Транскаспий йўналиши салоҳиятининг ишга солиниши Марказий Осиёнинг “Шарқ – Ғарб” ва “Шимол – Жануб” халқаро йўлақларидаги транзит маркази сифатидаги жозибадорлигини оширишига ишонч билдирилди. Шу мақсадда халқаро юк ташувчилар учун қулай шароитлар яратиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва назорат-ўтказиш масканларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш йўлида биргаликда ишлаш тақлиф қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон” интеграциялашган транспорт инфратузилмасини яратиш бўйича савб-ҳаракатларни бирлаштириш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Президентимиз Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ташаббусларни бундан буён ҳам илгари суриш ниятида эканини таъкидлагани ҳам эътиборга молик.

Бу каби учрашувларнинг ўтказилиши сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш ва ирригация тизимларини модернизациялаш, сув хўжалиги жараёнларини рақамлаштириш, сел ва тошқин сувларни йиғиш ва сақлаш инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш каби соҳаларда ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилиши аниқ.



Одинахон ОТАХОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Зеро, ушбу учрашувдан кўзланган асосий мақсад – ўзаро ҳамкорликни тизимлаштириш ва биргаликдаги савб-ҳаракатлар воситасида амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларни ҳамма учун мақбул бўлган ҳолдаги шакл ва мазмунда бирлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Президентларининг уч томонлама саммити мавжуд тажрибани умумлаштириш ва келгуси ҳамкорликнинг режаларини белгилаш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида барқарор тараққиётни таъминлашда бирлаштирувчи, яратувчи куч ва биргаликдаги қатъиятни кўрсатиш учун ноёб имконият бўлди.

Ишончимиз комилки, ушбу учрашув Марказий Осиё минтақаси салоҳиятини мустаҳкамлаш ва Евроосиё китъасининг бошқа минтақалари билан ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги лойиҳалар ишлаб чиқилишига ҳамда мавжуд умумий лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштиришга хизмат қилади.

### БУГУНГИ СОНДА:

БЕШ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШДАГИ  
ЮЗ АСОСИЙ  
МАҚСАД

3.

ҒИЖДУВОНЛИКЛАР  
ҲАР ДОИМ  
БИРИНЧИ

4.

ҚОНУН  
ИШЛАМАСА,  
ҚОНУНГА ҚАРШИ  
ИШЛАШАДИ

5.

ОҚТОШ,  
КЎЗЭШГА  
АЙЛАНМАГИН!

6.



# КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан “Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак пойдевор” мавзусида ташкил этилган тадбир ҳам истиқлол шодибнасига бағишланди.**

Унда О'зЛиДеР Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари, ҳудуддан сайланган депутатлар иштирок этишди. Байрамона мулоқотни О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутати Тошкент шаҳар кенгаши депутати Равшан Фозилов очиб берди.



Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ишлар, олиб борилаётган жадал ислохотларнинг натижалари ҳамда уларнинг бош мақсади инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати, эҳтиёж ва манфаатларига қаратилгани таъкидланди. Шунингдек, келгуси 7 йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди. Иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва қатор таклифларини билдирдилар.

\*\*\*

О'зЛиДеР Шайхонтоҳур тумани кенгаши томонидан “Smart Solutions System” масъулияти чекланган жамиятида ҳам худди шундай тадбир ўтказилди. Шунингдек, мазкур МЧЖ билан ҳамкорликда қуёш панелларини ўрнатиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтиришга эътибор қаратилди.

Партиянинг ёшлар билан ишлаш ва бизнес тузилмалари бўлими ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган “Менинг қуёшли уйим” лойиҳаси доирасида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остидаги тарғибот тадбири Ипакчилик маҳалласида ҳам ўтказилди. Унда тадбиркорлар, партия фаоллари ҳамда маҳалла аҳли фаол иштирок этишди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга О'зЛиДеР мутасаддиларидан батафсил жавоб олишди.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**О'зЛиДеР Хива шаҳар кенгаши томонидан “Uztransgazenergetika'mir” унитар корхонасида ташкил этилган тадбир ҳам энг улуг, энг азиз байрам тадборига бағишланди.**

Унда сўз олган сиёсий кучнинг аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими мудир М.Раҳимова истиқлол қадрли, мустақилликка эришиш нақадар буюк неъмат экани хусусида ўз фикрларини билдирди. Ўзгаларга тобе бўлган замонлардаги қийинчиликлар, машаққатларга оид жонли мисолларни келтирди. Кечаги туриш ва бугунги фаровон ҳаётни қиёслади. Шу билан бирга, “янги Ўзбекистон” тушунчасининг моҳиятини содда тилда очиб беришга алоҳида эътибор қаратди.



Халқ депутатлари Хива шаҳар кенгаши депутати А.Бобожанов, Ш.Бекчанов, М.Якубов, шунингдек, О'зЛиДеР Хива шаҳар

кенгаши аппарати раҳбари С.Файзуллаева янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ҳар бир кун биз учун авваллари ҳаёлимизга ҳам келмаган имкониятларни яратиб бераётганини таъкидлашди.

\*\*\*

**О'зЛиДеР Урганч шаҳар кенгаши томонидан 6-умумтаълим мактабида уюштирилган мулоқот “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” мавзусига бағишланди. Ватанимиз истиқлолининг 32 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тарғибот тадбирига ёшу қари жамланди.**

Партиянинг Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар кенгаши масъул ходимлари, депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят ҳокимлиги вакиллари ва журналистлар иштирок этган тадбирда истиқлол даврида эришаётган ютуқларимиз яна бир бор сарҳисоб қилинди. Эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш, мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг долзарб аҳамияти хусусида сўз юритилди.



Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, “Урганч миллий тикувчилик” оилавий корхонаси раҳбари Фароғат Саъдуллаева мустақиллик туҳфа этган буюк имкониятлар, истиқлол туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар натижасини таҳлил қилиб берди. Айни пайтда тадбир иштирокчиларини партия сафида туриб, ўз куч-ғайратлари, билим ва истеъдодларини юртимиз равақига сарфлашга чорлади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати М.Жуманиязова, вилоят ҳокимлиги рақамлаштириш бўлими бошлиғи О.Янгиҳоев давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, бу туйғунни ёшлар қалбига чуқур сингдириш юзасидан ўз таклифларини ўртага ташладилар.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

**О'зЛиДеР Самарқанд вилояти кенгаши ва вилоят “Оқида аёллар” ҳаракати ҳамкорлигида истиқлолимизнинг ўттиз икки йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни муносиб тарзда ўтказиш мақсадида “Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий етук хотин-қизлар – оила ва жамият тараққиёти кафолатидир” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва натижаларни холисона баҳолаш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш асносида эркин ва фаровон келажакимиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди.



Шунингдек, истиқлол йилларида оналик ва болалик муҳофазаси мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бирига айлангани ҳамда аёлларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук

авлодни вояга етказишга қаратилган умуммиллий дастурлар қай даражада амалиётга жорий этилаётгани хусусида сўз юритилди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган тадбир якунида энг улуг, энг азиз байрамни муносиб нишонлаш, кенг жамоатчилик, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, соҳада ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

\*\*\*

**О'зЛиДеР Каттақўрғон туман кенгаши томонидан мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти қошидаги БПТда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 32 йиллик байрами муносабати билан “Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор” деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган давра суҳбати ташкил этилди.**

Маҳаллий партия ташкилоти масъуллари, депутатлик гуруҳи аъзолари, ҳудуддаги фахрийлар иштирок этган тадбирда ҳаёт сабоқларини навқирон авлодга таъсирчан тарзда етказишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўз олган О'зЛиДеР Каттақўрғон туман кенгаши раиси Рўзимурод Жўраев мулкдорлар синфи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлик ҳаракатининг Ватан тараққиётида тутган ўрнига тўхтади.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Я.Тошонов, Ғ.Йўлдошев ва С.Маҳмудова барча партиядошларни янги Ўзбекистонни барпо этишда фаол бўлишга чақирдилар.

\*\*\*

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**О'зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи томонидан мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллиги муносабати билан жойлардаги бошланғич партия ташкилотларида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

– Айни пайтда партияимизнинг Жиззах шаҳар кенгаши таркибида ўз сафларига 10 458 нафар маслакдошимизни бирлаштирган 95 та куйи бўғин фаолият олиб бормоқда. Мазкур бошланғич партия ташкилотларида буюк истиқлолимизнинг 32 йиллик қутлуғ тўйи арафасида бўлиб ўтаётган тадбирларда озодликнинг ҳаётимизда тутган ўрни, унинг тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритилмоқда, – дейди **О'зЛиДеР Жиззах шаҳар кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Йўляхшиев**. – Шунингдек, янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, туб ислохотлар жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадрли, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқиш борасидаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни, нуфузи масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Масалан, Гулзода Зухурова етакчилик қилаётган ва 95 кишини ўз сафига бирлаштирган Абу Али Ибн Сино номидаги Жиззах шаҳар саломатлик техникумидаги куйи бўғинда бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” деб номланган давра суҳбатида ҳам ҳурриятга эришилган йилларда қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлинмаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган беқиёс кучга айланиб бораётгани, шунингдек, сўнгги йиллар давомида амалга оширилган ислохотлар, қонунчиликдаги қатор янгиликлар тўғрисида фикр билдирилди.

Жойларда бўлиб ўтаётган байрамолди маънавий-маърифий тадбирларда куйи бўғин аъзоларининг фаоллигини янада кучайтиришга келишиб олинди.

**О'зЛиДеР матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.**





# ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030

Ақтам ХАЙТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

## БЕШ УСТУВОР Йўналишдаги ЮЗ АСОСИЙ МАҚСАД

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари лойиҳалари ўн кун давомида оммавий электрон порталларда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган O'zLiDeP электорати фаол иштирок этди.

**МУҲОКАМАЛАР МОҲИЯТИ ВА БИЛДИРИЛГАН ТАКЛИФЛАР АҲАМИЯТИГА ЎТИШДАН ОЛДИН “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ҚУЙИДАГИ 5 ТА УСТУВОР Йўналишдан ИБОРАТ ЭКАНИГА ЯНА БИР БОР ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЖОИЗ:**

- **биринчидан, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;**
- **иккинчидан, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;**
- **учинчидан, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;**
- **тўртинчидан, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;**
- **бешинчидан, мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлан-тириш ишларини давом эттириш.**

Келгуси етти йилда эришилиши кутилаётган жами юзта асосий мақсадни қамраган мазкур йўналишларнинг ҳар бирини алоҳида олганда ҳам уларнинг барчаси яхлит истиқболли ғояни акс эттиради. Умумий тарзда олганда ҳам улар бири иккинчисини талаб қиладиган занжир ҳалқалари янглиғ ўзаро чамбарчаслик касб этган.

Аслида бу йўналишларнинг ҳаммаси партиямиз сайловолди дастуридаги вазифаларга мос ва ҳам оҳанг. Лекин бугун биз O'zLiDePнинг асосий электорати тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятининг кўп ҳоллардаги туташув нуқтаси – иқтисодийёт соҳасига оид янгиликларга кўпроқ тўхталиш ниятидамиз. Зотан, анча йиллар илгари машҳур сиёсатчи Уинстон Черчилл ёзиб қолдирганидек, аниқ стратегия ва унинг истиқболлига қатъий ишонган инсонлар, узоқни кўра олиш қобилиятига эга бўлмаган кишиларга нисбатан ҳаётнинг турли бурилишларию кутилмаган ҳодисаларига тайёрроқ бўлади ва уларни яхшироқ енгиб ўта олади.

Партиямиз фаолияти самарадорлигини оширишда, ташкил этилаётган тадбирлар ва ҳаётга татиқ этилаётган турли лойиҳаларнинг таъсирчанли-

гини кучайтиришда айна жиҳатга кўпроқ эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Айниқса, етакчи сиёсий куч кўмағида ўз бизнесини очишга, жамиятда муносиб ўрнини топишга интилаётган навқирон авлод вакилларига яқин истиқболга мўлжалланган стратегия мазмунини содда усулда очиб бериш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳондаги дастлабки стратегияларни чинакам лидерлар ишлаб чиққани диққатга сазовор. Стратегия тушунчасининг асл маъноси ҳам лотин тилидан таржима қилганда “саркарданинг маҳорати” деганидир. Яъни, у аввал ҳарбий тузилмаларда муомалага киритилиб, кейинчалик ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда ҳам кенг қўллана бошлаган. Модомики, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва улғувор ғоялари асосида ишлаб чиқилгани ҳам тарих силсиласида шунчаки тасодиф эмас. Аксинча, тақдир тақозосида туғилган ойдин ҳақиқатдир.

Партиямиз фаоллари, сафимизга яқинда қўшилган ёшлар, шунингдек, тарғиботга масъул мутахассисларимиз стратегия ва тактиканинг чегараларини ажратиб олишлари, уларнинг фарқли томонларини аниқ билишлари мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, ким қайси вазифани қандай бажаришини чуқур англаш жоиз.

Шарқнинг таниқли файласуфлари, чунончи, хитойлик алломалар бу масалани ёшларга шахмат тахтаси мисолида оддий усулда тушунтириб келишган. Жаҳон айвонини шахмат тахтаси деб оладиган бўлсак, ҳар бири ўз номига ва ўрнига эга бўлган доналарининг оқ-қора катакларга ўта донолик билан жойлаштирилиши – бу стратегия! Ўша доналарнинг пировард мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари эса тактикадир. Кўриб турганингиздек, кутилган натижага эришиш ҳам стратегиянинг жуда пишиқ-пукталигига, ҳам тактиканинг кучлигига ҳар томонлама боғлиқ.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси худди ана шундай пойдеворга қурилган бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш масалалари ипидан игнасигача чуқур уйланган, қилни қирқ ёрадиган нуфузли экспертлар чиғирғидан ўтказилган.

Стратегиядаги мақсадларни ўз вақтида сифатли амалга оширишда келгусида Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар роли янада оширилади. Ҳусусан, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш ҳажмини 100 фоизга етказиш кўзда тутил-

ган. Парламент ва унинг органлари иш жараёнларини трансформация қилиш, улар томонидан қарорлар қабул қилиш ва эълон қилиш жараёнлари ҳам тўлиқ рақамлаштирилади.

Сайловчилар билан электрон мулоқот қилиш, депутат сўровини электрон тарзда юбориш ва назорат қилиш имконияти таъминланади. Фуқароларнинг қонунчилик таклифлари парламент куйи палатасига киритилади ва уларни кўриб чиқиш тартиби мустаҳкамланиб, амалиётга тўлақонли жорий этилади.

Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар роли янада ошириш мақсадида вакиллик органларига сайловнинг аралаш (мажоритар-пропорционал) тизими жорий қилинади.

Аҳамиятга молик қирраси шуки, O'zLiDeP дастуридаги муҳим йўналишлардан бири ҳам рақамлаштиришни кенгайтириш, давлат хизматларининг очиклиги ва қулайлигини таъминлашдан иборат. Бу борада давлатимиз раҳбарининг жорий йилги сиёсий жараёнлардаги сайловолди чиқишларида ҳам алоҳида вазифалар айтиб ўтилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига кўра, келгуси етти йилда электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улуши 100 фоизгача етказилади. Композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари улуши эса камида 40 тага оширилади. Шунингдек, 300 та давлат хизматлари хусусий секторга ўтказилиши режалаштирилган.

Лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатлари 20 фоизга қисқартирилади ҳамда 50 фоизи содда-лаштирилади. Давлат хизматларини кўрсатишнинг 300 га яқин тартиб-таомиллари содда-лаштирилади.

Давлат хизматлари “3 қадам”, “фойдаланувчи учун мослаштирилган”, “барчаси бир мобил иловада” тамойиллари асосида рақамлаштирилади. Пировардида “Электрон ҳукумат” тизимининг янги босқичи – “Рақамли ҳукумат” тизимига ўтилади, яъни барча ҳужжатлар ва муносабатларнинг рақамли шаклга ўтиши таъминланади.

Инсон кадрини улғулаш, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат кудратини юксалтиришга қаратилган янги-иланган Конституциямиз ва Президентлик сайловларига илгари сурилган эзгу ғояларни ўзида акс эттирган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур стратегия лойиҳасида келгуси 7 йилда энергетика, қурилиш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларига ҳам кенг ўрин берилган.

Жумладан, энергетика йўналишида – қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мега-ваттга ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш, 9 гВт қуёш ва 5 гВт шомол электр энергияси станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида қуриш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини 118 миллиард кВтга, табиий газ қазиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиш, иқтисодийётда энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш белгилаб қўйилган.

Транспорт-логистика йўналишида – транзит юкларини ташиш ҳажмини 16 миллион тоннага етказиш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини 3 баробар, авиақатновлар сонини 4 баробарга ошириш, 56 минг километр йўлларни қуриш ва таъмирлаш, Тошкент – Самарқанд ва Тошкент – Фарғона водийси йўналишларида давлат-хусусий шериклик асосида янги автомобиль йўлларини қуриш, барча аэропортларда стратегик ҳамкорлар билан “Очиқ осмон” режимини жорий қилиш, республика авиапаркини 100 тага етказиш масалалари ҳам халқимиз кўнглидаги эзгу ишлар эканига шубҳа йўқ.

Мамлакатимиздаги барча аҳоли пунктларини, уларга марказ олис ёки яқин бўлишидан қатъи назар, Интернет билан тўлиқ қамраб олиниши электротартиб турган ҳодисадир. Интернет тезлигининг 10 баробар оширилиши, IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмининг 5 миллиард долларга етказилиши эса дунёдаги энг ривожланган давлатлар билан тенглашишга қаратилган ҳаракатларнинг яққол ифодасидир.

Асрлар давомида шаклланган эзгу урф-одатларимиз, яъни халқимизнинг имконият топиши билан гўзал иморат қуриши масаласи ҳам стратегиядан четда қолмаган. Аҳоли учун замонавий уйлар қуриш ҳажмини йилига 25 миллиард долларга етказиш кўрсатиб ўтилган. Худудларда қўшимча 1 миллион хонадонли уй-жойлар барпо этиш, “Янги Ўзбекистон” масивлари сонини 100 тага етказиш, қўшимча 200 мингта оилага мўлжалланган уйларни сифатли қуриш, республикада камида 140 минг оилага мўлжалланган ижтимоий уйларни ўрнатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда ўз муддатида битириш ҳам, уйлайманки, нафақат партиямиз тарафдорлари, балки бутун халқимизни мамнун қилади.

### ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

## Чўлда... “Ақлли ТЕХНОЛОГИЯЛАР” ХАЁЛГА КЕЛГАНМИДИ?

Самарқанд вилояти Нуробод туманининг Олға маҳалласида амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, худуддаги янгилик ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида журналист ва блогерлар иштирокида пресс-тур ташкил этилди.

Худуднинг кўп қисми чўллардан иборат. Бу эса аҳолидан ҳам, тадбиркор ва фермерлардан ҳам шароитдан келиб чиқиб изланиш ва имкон топишни талаб қиладди. Амалий ишга киришганлар ҳам бор экан. Масалан, қарийб 600 гектар майдонда уч йилдан бери айтарли ҳосил ололмаётган тадбиркор “ақлли технологиялар”ни қўллашга қарор қилибди.

– Ҳар йили катта миқдорда харажат қилиб бугдой экамиз, лекин ёлчибтиб ёмғир ёлмагани сабабли ҳосил олишнинг иложи бўлмапти, – дейди тадбиркор Фахриддин Қаршиев. – Уйлаб-уйлаб, охири замонавий усуллардан фойдаланишга тўхтадик. Хориждан 200 минг АҚШ долларига “ақлли суғориш технологияси”ни олиб келдик. Бу ускуна ёрдамида 50 гектар майдонни бир лангунда ўзида ёмғирлаштириб суғориб чиқиш мумкин. Сув олиш учун эса 230 метр чуқурликда қудуқ қазилди. Холбуки, худудда 20 метрдан сув чиқади. Чуқур қазганимиз сабаби, келажакни ҳам ҳисобга олдик.

Насиб этса, лойиҳамиз ўзини оқлагач, бу технологиядан яна сотиб олиш ниятимиз бор.

Нуробод инновацион туман деб эълон қилинган барча соҳаларга тегишли экани билан эътиборлидир. Яна қишлоқ ҳўжалигидан гапирадиган бўлсак, туманда 60 минг гектар лалми ерлар бўлиб, шундан 20 минг гектар майдонга галла экиш белгиланган. Лекин 30 йилдан бери ҳосилнинг чўғи жуда паст. Йилнинг ай-

ни мавсумида далаю боғларда мевалар фарқ пишган палла бу чўлларда янтоқ ва юлғунлардан бошқа ҳеч вақо ўсмайди. Лекин тадбиркорларнинг айтишича, ер унумдор, фақат сув керак.

Янги асфальт ётқизилган йўлда замонавий автобусда кетиб бораёпмиз. Икки ёни бийдай чўл. Унг томонда (ерости суви яқинлигидан, шекилли) ўт-ўлан ва тиканзорга бур-



канган яйловда ўтлаб юрган йилқиларга дуч келдик. “Ҳамфир” фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Бердиевнинг 50 бош туя, 140 бош қорабайир зотли отлари бор. Туя сути шартнома асосида сихаттоҳларга етказиб берилляпти. Отларнинг ҳам харидори топилади.

10-мактабгача таълим ташкилотига 200 нафар болакай тарбияланиш билан бирга инглиз тилидан ҳам сабоқ олмоқда. Эътиборлиси, келгуси Корей таълим технологи-

яси асосида лойиҳаланган бўлиб, бу болалар хавфсизлиги учун аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, чўл бағрида яшаётган бўлса-да, олғалиқларнинг келажакка ишончи баландлигига яна бир сабаб ислохотлар эпкинидир.

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
“XXI asr” мухбири



"ИШБИЛАРМОН АЁЛ - 2023"

✓ БУХОРО

## ҒИЖДУВОНЛИКЛАР ҲАР ДОИМ БИРИНЧИ

– Ҳар йили анъанавий тарзда ўқазилаётган "Ишбилармон аёл" танлови оилавий тадбиркорлик, хусусий секторда хотин-қизлар иштирокини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда катта аҳамиятга эга, – дейди "Ғиждувон Машхураси" хусусий корхонаси раҳбари, халқ депутatlари туман кенгаши депутати Замира Сафарова. – Айниқса, илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришда ушбу тадбирнинг ўрни катта. Урганишларда бу борада муайян тажриба тўплангани маълум бўлди.

Кўрик-танловнинг Ғиждувон тумани босқичи якуний натижаларига биноан 5 та номинация бўйича энг фаол, тадбиркор ва ишбилармон аёллар аниқланди. Жумладан, "Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл" номинациясида экотуризмда юқори кўрсаткичларга эришган "Gold hotel Firdavs" ва "Firdavs O'ktam Amom Otadi" хусусий корхоналари раҳбари Иқлима Жўраева ғолиб бўлди. У 33 гектарлик чўлда экомаскан барпо этиб, 40 мингга яқин кучат экди. Дам олувчилар учун бу ерда ўтовлар ўрнатди, қулай шароитлар яратди. Маҳаллий ва хорижий меҳмонлар балиқ овлаши, хушманзара жойларни томоша қилиши, от ва туяларда сайр этиши, ўтовда хордиқ чиқаришлари мумкин.

– Туғилган юртимни жон-дилимдан севаман, – дейди Иқлима Жўраева. – Унинг гуллаб-яшнашига куч-қувватим борича ҳисса қўшим келади ва бунга ҳаракат қилиб келялман, токи Бухорони дунё билсин, танисин. Ахир экомасканларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Айниқса, сайёҳлар шаҳар шовқинидан ташқарида дам олиш истагини билдиришмоқда. Шунинг учун ушбу масканни барпо этишга қарор қилдим. Ўйлайманки, у меҳмонларга манзур бўлади.

Хайъат эътиборига миллий рассомлик санъати намуналарини тақдим этган Махлиё Назарова "Замонавий ташаббускор аёл" номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Худуддаги аксар мактаблар ўқувчи қизлари ундан ушбу санъат сир-асрорларини ўрганиб, келгусида ана шу йўналиш бўйича фаолият олиб бориш истаганда.

Тикувчиликка ҳавасмандлар эса тадбиркор Гулнисо Ҳожибоқиевадан беҳад миннатдор. Кўрик-танловда у "Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли" номинациясида совриндори бўлди. Гулнисо хунарини яна қўллаб-қувватлаш мақсадида тиним билмаётган.

Маълумки, Ғиждувон каштачилик мактабининг ўз тарихи, анъаналари, устоздоаю шогирдлари бор. Нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам бу соҳа эътироф этилаётгани бор гап. Танловда "Қишлоқни ижтимоий



ривожлантиришда фаоллик кўрсатган аёл" номинациясида пешқадамликни қўлга киритган Сония Муҳаммедова айна мактаб издошларидан.

"Энг ёш, фаол аёл тадбиркор" номинациясида эса Сарвари Маҳалласида истикомат қилувчи Зарнигор Аҳмедова муносиб деб топилди. У турли ширинлик ва пиширилган таъйёрлаш бўйича устаси фаранг, шогирдлари бисёр. Бир пайтлар тумандаги "Ғиждувон Машхураси" хусусий корхонасида билим ва маҳоратини оширган бу аёл эндиликда нафақат ўз қишлоқдошлари, балки қўшни туман ва шаҳардан ҳам келаётган хотин-қизларга пазандалиқдан сабоқ берапти. Махсулотларига қашқадарёлик ва сурхондарёликлар ҳам харидор.

Тадбир якунида кўрик-танлов ғолиб ва совриндорларига партия туман кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Асхор ИСТАМОВ,  
"XXI asr" мухбири

ҚАДР



## "МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ" КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Хоразм вилоят Маънавият ва маърифат марказида бир гуруҳ нурунийларни "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси республика Бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фахрийлар кенгаши раиси Содикжон Турдиев, отахон ва онахонлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

– Ёши улғларимизни қадрлаб, уларнинг панд-насихатларига амал қилсак, ишимизда барака ва унум бўлади, – деди С.Турдиев кўкрак нишонларини ўз эгаларига топширarkan. – Жорий йилда вилоятдан жами 46 нафар кекса авлод вакили I ва II даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонига муносиб деб топилди.

О'zLiDeP Хоразм вилоят  
кенгаши матбуот хизмати

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## МЕҲРИМ ҚЎШИБ ТИКДИМ БАРИГА

Каштачилик Ўзбекистон амалий-безак санъати турлари орасида энг қадимийси ҳисобланади. Ўзбек кашталари ноёблиги, гўзаллиги, безак-нақшлари ва усулларининг кўпчилиги билан ажралиб туради. Айниқса, янги келин тушган хонадонга борган киши сўзана, рўйижа, тоқчапўш, жойнамош, боллипўш каби каттаю кичик кашталарни кўриб ўзга бир сеҳрли оламга тушиб қолгандек ҳис қилади ўзини.

Ана шундай санъат асари инсоннинг қалби кўри ҳамда улкан машаққатлари эвазига яратилади. Кўпчилик каштачилик ҳақида фикр юритганда, асосан уни тикадиган чеварларни кўз олдида келтиради. Гоҳида ана шу кашталарга моҳирлик билан турли хил нақш ва гуллар, безаклар чизувчи қаламқашни эсламаймиз ҳам. Ҳа, топдигиз, сўз кашта ва белбоғларга моҳирлик билан нақш чизуви моҳир хунараманд аёл, унинг ибратли ҳаёти ва оиласи ҳақида.

Махсатой Ҳомидова 1937 йили Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Андак маҳалласида деҳқон оиласида туғилган. Унинг болалик даври уруш йилларига, ёшлиги эса қийинчиликларга тўла пайтларга тўғри келди. Уша замонларда кўпчилик тирричилик гамида зўрға кун кечирар эди.

У эсини танибоқ онасига уй-рўзгор ишларида кўмакчи бўлди. Бўш пайт топилгунча турли хил маюто бўлакчаларини олиб гул солишга ошқарди. Онасидан кашта, белбоғ, қоҳма тикиш сирларини ҳам ўрганиб олди. Онаси у тиккан кашта ва белбоғларни бозорга олиб тушса, бирпасда талаш бўлиб кетарди. "Қўлингнинг жилоси бор, қизим" дерди онаси суюниб. Мактабни тугатар-туғатармас уларнинг остонасидан совчилар аримай қолди. Махсатой маҳалладоши Соле Ҳомидовга турмушга чиқди. Биргаликда бахтли ҳаёт кечирди. Келинлик вақтларидеяк унинг ёнига кўни-қўшни, маҳалладаги хотин-қизлар кашта, белбоққа нақш, гул чиздириш учун келишарди. Чунки у даврларда кўпчилик аёллар қизларига сепи учун ўз қўли билан кашта тикишни ўргатишар эди.

Махсатой ижодхонасида ишга шўнғир, янги нақш ва гуллар яратиш устида бош қотирарди. Кундузи рўзгор ишлари ва болалари билан



банд бўлса, тунларни тонгларга улаб нафис шоҳиларга, ялтироқ матоларга нақш ва гуллар чизиб чиқарди. Ўзи ҳам бўш қолди дегунча кундан кунга кўзга кўриниб бораётган бир-бирдан сулув қизларига, ўғилларига атаб кашта тикарди. Мулоийм чеҳраси, каттаю кичикни сизлаб гапириши оилада яхши тарбия ва таълим олганидан далолат берарди.

Яратганнинг марҳамати билан Махсат ая ва Соле ота олти қиз ва беш ўғилни тарбиялаб voyга етказди. Уларга турли касбларни ўргатиб, уйли-жойли қилишди. Тақдир тақозоси билан катта қизлари Гулчеҳра 36 ёшида вафот этди. Фарзанд доғида куйган ая аламини яна меҳнатдан олди. Қизлари Гулшан, Гулбаҳор, Кичигой, Гулнора, Дилрабо яхши касб эгаси бўлиб ҳаётда ўринларини топиб кетишди. Ўғиллари Манноб, Маъруф, Мансур, Маҳмуд, Жаҳонгир ҳам, бири тадбиркорлик, бири дурадгорлик, яна бири савдо соҳаларини эгаллади.

Махсат ая хунарининг сир-асрорларини қизларига ҳам ўргатди. Гулбаҳор, Кичигой кашта ва белбоғларга гул солишда оналаридан қолишмайдиган бўлишди. Саксонга яқин неварга, эллиқдан ортақ эвара-чеварлар ардоғида яшаётган 87 ёшли Махсатой аяни маҳалладагилар пиру бадавлат онахон дейишади. У кишининг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида ёш оилаларга сўзлаб беришади.

Назира ҲАМИДОВА  
Самарқанд вилояти

✓ ҚАШҚАДАРЁ

## Хайринисонинг хайрли ишлари

О'zLiDeP Қарши туман кенгашида "Ишбилармон аёл" танловининг туман босқичи ўтказилди. Тадбир аввалида кенгаш раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Феруза Мустаева йиғилганларни беллашув шартлари билан таништирди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва Касаба уюмларини федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда "Нисо голд сервис" МЧЖ раҳбари Хайринисо Курбоновага тенг келадиган топилмади. "Аёллар дафтари"даги 26 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган бу тадбиркор фаолиятини йўлга қўйганига кўп бўлгани йўқ. Заргарлик, каштачилик, тикувчиликни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратаяптир. Унинг ташаббуси билан элликка яқин аёл ишли бўлди, рўзгорига барака инди.

– Хайринисодек ишбилармонлар ташаббуси билан туманимизда хотин-қизларга хунара ўргатиш ва иш билан таъминлаш борасида хайрли ишлар қилинмоқда, – дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси Хотам Жумаев. – Бу борада "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ўтказилаётган айна кўрик-танлов катта тажриба майдони бўлмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI asr" мухбири



✓ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

## Бир-биридан ўзарлар

Оҳангарон шаҳридаги "Ишга марҳамат" микромарказида "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Ушбу ҳудудда фаолият юритаётган салоҳиятли фермер, тадбиркор ва ишбилармон аёллар ўз махсулотларини кўргазмаларини тақдим этишди. Кўргазмада сабзавот ва полиз экинлари, қуруқ ва хўл мевалар, дуккакли ва бошоқли дон махсулотлари, тўқимачилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, қандакорлик, саватчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, рассомлик буюмлари намойиш этилди.

Уларни диққат билан кузатган хайъат аъзолари "Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор" деган ҳаётий шир танлов иштирокчиларининг фаолияти билан ҳамроҳанг эканига урғу берди.

Шундан сўнг кўрик-танлов ғолиблари бирма-бир эълон қилинди. Унга кўра, 3-ўринга ўз хонадонидан айрон қадоқлаш кичик цехини ташкил қилиб, оилавий тадбиркорликни самарали йўлга қўйган Муаззамхон Алимова ҳамда касб-хунара ўқув маркази очиб, турли декоратив гуллар ясаш ортидан даромад топаётган Гулчеҳра Эламасова лойиқ топилди.

Фахрли 2-ўрин уйда сут махсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлашга ихтисослашган замонавий кичик корхона барпо этиб, маҳалладошларини иш билан таъминлаган оилавий тадбиркор Шаҳло Султонова ва тикувчи цехи раҳбари Наргиза Бекляровага насиб қилди.



Саватчилик ва тўқима мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона раҳбари Зарифа Баҳодирова эса 1-ўринни қўлга киритди.

Беллашувда иштирок этган бошқа иштирокчилар ҳам танловнинг турли номинацияларига

муносиб кўрилди. Улар О'zLiDePнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши  
бўлим муdiri



“ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ОЛДИДАН

## АЛИФБО ТАРТИБИДАГИ ОЛАМ

Турли луғатлар ва луғатчилик ишлари, шунингдек, фидойи луғатшуносларнинг машаққатли меҳнатини ёрқин акс эттирувчи ушбу таърифни биринчи бўлиб таниқли ёзувчи ва адабий танқидчи Анатолий Франс ўз мақолаларида қўллаган.



XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Парижда яшаб ижод қилган адиб ўқувчи-га аниқ маълумотни тақдим этувчи луғатларни “Китоблар китоби” деб ҳам атаган. Франция фанлар академиясининг аъзоси “Пингвинлар ороли”, “Фаришталар кўзғолони” сингари романлари билан, айниқса, шухрат қозонган.

“Зиёлига жазо бериш талаб этилса – унга луғат тузишни буюринг!” Ён дафтаримдаги бу гапни қачон ва қерда ёзиб олганим эсимда йўқ. Қизиги шундаки, унинг муаллифини ҳам қайд этмаган эканман. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас. Аксинча, луғат яратиш игна билан қурак қазийдиган асло фарқ қилмаслиги хусусидадир.

Ростдан ҳам, илми кишига бирор айбини ювиш учун ўз соҳаси бўйича луғат тузишдан-да халқ ва давлатга наф келтирадиган жазо ўйлаб топиш мушкул. Ҳар қандай олим бундай топшириқни бажаргунча нафақат ақлий энергияси камаяди, кўз нури сусаяди, балки жисмоний жиҳатдан ҳам қарийди. Сочлар оқариб, аксарият ҳолларда бутунлай тўқилганини ҳам реал ҳаётда кўриб-билиб турибмиз. Хуллас, луғатлар нўроияда машаққатли, айни пайтда жуда шарафли меҳнат мевасидир.

Яқинда илк бор лотин алифбо-

сида нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни қўлимга олар эканман, юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. Оз эмас-кўп эмас, 6 жилддан иборат бу ноёб тўпламга жами 80 мингдан ортиқ сўзнинг изоҳи киритилган. Дикқатга сазовор томони шундаки, кирилл алифбосидagi аввалги нашрдан фарқли ўлароқ унга 5000 га яқин янги сўз аниқ таърифу тавсифи билан қўшилган.

Изоҳли луғат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Фанлар академияси ҳамда Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида тайёрланган. Тўпламнинг дастлабки жилдларини тайёрлашда марҳум олимлар – миллий лингвистикамизнинг жануар академиклари Азим Ҳожиёв, Тўра Мирзаёв, Эрнст Бегматов бевосита иштирок этган.

Биз янгидан киритилди, дея таъкидлаётганимиз луғавий бирликлар аслида ўзбек халқ шевалари, халқ сўзлашу тилидан ҳамда бошқа давлатлар билан ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида хорижий тиллардан кириб келган сўзлардан иборат.

Шу қимматли луғатда “онабоши” тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган: **рўзгор бошлиги ёки бирор жамоатга бош бўлган, уни бевосита бошқариб турган хурматли аёл.** Саксон мингдан ортиқ сўздан неча айнан шу сўзни мисол келтираётганимизнинг боиси бор, албатта. Сабаби, янги ту-

пламнинг Фанлар академиясида бўлиб ўтган тақдирот маросимида оғир вазифани қисқа фурсатда удалаган иши гуруҳининг “онабоши”сига алоҳида миннатдорлик билдирилди. Луғатни бойитиш ва илмий асосда такомиллаштиришда, жараёнга жалб қилинган ходимлардан бир оиладек аҳил жамоа шакллантиришда унинг ҳиссаси катталиги эътироф этилди.

“Онабоши”нинг кимлиги ва унинг фикрлари сизга ҳам қизиқ бўлса керак!

– Луғат устида икки йил давомида меҳнат қилдик, – дейди **филология фанлари доктори, профессор Дурдона Худайбергана.** – Асосий мақсадимиз луғатни бойитиш бўлди. Сўзларни йиғишда иштирок этган ходимларимиз XX аср бошида жаҳидлар томонидан эълон қилинган бадиий адабиётларни, газеталарни ўқиб, керакли бўлган сўзларни йиғиб, ажратиб олишди. Биз уларни кўздан кечирганимизда ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси билан боғлиқ бўлган жуда кўп халқона сўзлар ҳали луғатга кириб улгурмаганини англадик ва ўша сўзларни ҳам киритдик.

Олимнинг қайд этишича, луғат жуда кўп иллюстратив мисоллар билан бойитилиб, сўзлар маъносининг изоҳлари такомиллаштирилган. Ўзбек тили луғавий таркибига содир бўлган маъновий ўзгаришлар кўрсатиб берилган. Табиийки, машаққатли меҳнат молиявий маддасиз бўлмади. **Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси**

айни масалада тиргак вазифасини бажарди. Кези келганда, мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан “Ўзбек халқ сўзлари”, “Ўзбек тилининг катта имло луғати”, “Ўзбек тили фразеологик луғати”, “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг ўқув имло луғати”, “Ахборот технологиялари атамаларининг изоҳли луғати”, “Ўзбек халқ паремаларининг синонимик изоҳли луғати”, “Нонвойчилик терминларининг изоҳли луғати” китоблари чоп этилганини айтиб ўтиш жоиз.

Ана шу изчил жараённинг тадрижий давоми сифатида китоб жавонини тўлдирадиган бойликлар қаторига яқинда **“Солиқ терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”** қўшилади. Солиқ қўмитасининг малакали мутахассислари томонидан тажрибали олимлар, журналист ва таржимонларни жалб қилган ҳолда тайёрланган ушбу луғат соҳага оид атама ва сўз бирикмаларининг турлича ёзилиши, ҳар хил талқин қилиниши билан боғлиқ тушунмовчиликларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

**Тенглик йўқ жойларда ёмондир қисмат, Тили омон бўлса, ўлмайдми миллат. Дунёда ҳеч бир хил қуролда қудрат “Тинчлик” сўзин ёзган қаламча йўқдир.**

Мақола хотимасида Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг оҳанрабо шеъридан парча келтиришдан мурдамоим аниқ: давлат тили эканлиги қонун билан қафолатланган ўзбек тилига эътиборни янада кучайтириш зарурлиги ҳақида фақатгина 21 октябрь арафасида қалам тебратмайлик. Кампаниябозликини бас қилиб, йил-ўн икки ой она тилимизни асраш ва уни ривожлантириш хусусида қайғурайлик. Билиб-билмай тилин бузиб қўллаётганларга танбёҳ беришга, тўғриси аналда кўрсатишга эринмайлик. **“Турпок”ми ёки “турпок”, “хоказо”ми ёхуд “хоказо”** дегувчиларни, **“Урганч”мас “Урганч”** дея ақллилик қилгувчиларни, атамалардан атала “пиширади”ганларни минг машаққат ила яратилган луғатлар билан ишлашга ўргатайлик.

**“Собик Сурхондарё вилояти ҳокими”** тарзида тескари маънода, алмоий-жалмоий жумла тузадиган рақамли авлод вакилларига **“Сурхондарё вилоятининг собик ҳокими”** тўғри бўлишини жойида тушунтирайлик. Энг муҳими, ҳужжатларда мана шунча ҳолатлар ўтиб кетмаслигига эҳтиёт бўлайлик. Чунки шу тақлидда хато қабул қилинадиган “ҳуқуқий асослар” эртага ундан-да каттароқ оқибатларни келтириб чиқаради.

Гавҳархон МУҚАДДАСОВА

МЕНИМЧА...

## ҚОНУН ИШЛАМАСА, ҚОНУНГА ҚАРШИ ИШЛАШАДИ

Сурхондарёнинг Сариосиё туманидаги 28-мактабда содир бўлган воқеалар... бу мамлакатимиздаги бошқа мактабларда рўй бераётган ҳақиқий ҳолатни ҳам кўрсатиб қўйганига шубҳамиз йўқ.

Яширмайлик, аксарият мактаблардаги асл манзара худди шундай: деди-деди, ёза-ёза, ғурбат, фитнес, тўхмат ўчоғига айланган. Айниқса, кўпчилиги хос “касаллик” – гуруҳбозлик тобора авжига чиқаётди. Фақат хаспўшлар билан оворамиз. Қачонки қайсидир таълим даргоҳида бирор жанжал-тўполон рўй берсагина, ҳаммамиз ўша ёққа чопамиз.

Ҳўш, муаммо қаерда ўзи? Яна ўша таниш ҳолат: яъни қишлоқ жойларида иш ўринлари жуда кам. Бориям ўқитувчилик ё ҳамшираликдан иборат. Бошқаси бўлиб олинган. Фермер хўжаликларидан ҳам бегоналар деярли ишламайди. Шу боис мактабдаги озгина ўқув соати, ҳамшираликнинг 0,25 ставкаси ҳам талаш. Ишли бўлиш учун, ишдан кетмаслик учун одамларимиз ҳар нарсага тайёр.

Яна бир жиҳати, ўқитувчиларнинг кўпчилиги болаларни севгани ёки бўлмаса қайсидир фанни севгани учун ўқитувчи бўлмайди. Ўзи туғилиб ўсган қишлоққа қайтса, фақатгина мактабда иш топилишини билгани учунгина шу касбни танлаган бўлади. Бу эса таълим ва тарбия учун фожиа.

Кўп кузатганмиз, қишлоқларда, эътибор беринг, айниқса, қизлар касб танлаши керак бўлса, уларнинг олдидан биргина танлов бўлади: у ҳам бўлса, тинчгина ўқитувчилик қилади, деб ота-оналар ва қизлар мактабгача таълим – тарбиячилик ёки бирор фандан дарс беришни танлайди. У ёқларда мактаб битта, лекин ўқитувчи сони кўп... Мабодо ойлик маошлар кўтарилгудек бўлса борми, тамом, ўша таълим масканларида яна фитнес, ёза-ёза илдиз отади, тап-тайёр ғурбат ўчоғига айланади-қолади. Муаллимлар тинчгина, болаларга меҳр билан дарс ўтиш ўрнига турли кўринишдаги ички-ташқи “интрига”ларга аралашади, гуруҳларга бўлиниб олишади. Маошлар ошгани сайин таниш-билишчилик, гуруҳбозлик қучаяди. Оширилган оилани олиш учун, эҳ-ҳе, қанчадан қанча жангу жадалларни кўриш, ноҳақликларга чидашга тўғри келади. Темирдан тиш-тирноқ, икки қарич тил, мустақкам асаб керак бўлади бундай пайтда.

Ҳар не бўлганда ҳам ўртада ўқувчиларга азоб. Жабрини улар тортади. Кейин яна бошимизни ушлаб ўтираман: “ўфши” дафтар сотилади, “узи, қаракат” деб ёзадиган чаласаводлар қаердан пайдо бўлди деб.

Демак, қаерда, қайси соҳа, тизимда бўлмасан, ҚОНУН ишлаши шарт! Аксинча, Сурхондарёда, Фарғона ё Навоийда, барибир, қаерда заиф, кемтик нуқталар бўлса, ўша жойда депсиниш, ўприлиш, тўхмат, жанжал чиқаради.

Барно СУЛТОНОВА,  
журналист

ОҚИБАТ

# Ён қўшним – жон қўшним

...Эртага дам олиш кунин.

Ухлашдан аввал телефонни ўчириш учун қўлимга олсам, кўшни Бахтигулдан SMS хабари келибди: “Опажон, бир ҳафта ишлаб чарчагансиз, эртага бемалол дам олинг, тушликка уринманг, сиз яхши кўрадиган кулол тўппа (сурхондарёча хамирли таом) пишириб, сизларни кутаман. Яхши дам олинг...”

Ўн беш йилки, деярли ҳар жума оқшомида шундай хабар оламан ундан. Фақат таомларининг номи ўзгариб туради, ҳолос. “Эртага тушликка қайнатма шўрва чиқараман, яхши дам олинг”. “Синглим, каттагина рўзгор-сизлар, овора бўлманг...” десам, “Икки коста сув кўчсам, сизларга яна-сиба тайёр-да, ҳар кунни уйдаман-ку, мени савобдан бебаҳра қилманг”, дея тилимни тишлатади.

Уйда ҳам хушқайфият билан кутиб олади, айлана-ўргилиб хизмат қилади, унга қўшилиб уч қизалоғи ҳам тинмайди. Мазали таом устида кекса онаси билан сўхбатлашиб, баҳри-дилим очилади. Мусофирлигим, шу кунларда зериканам ҳам ёдимдан кўтариллади.

Йилда бир марта санаторийга бораман. Ҳар эҳтимолга қарши совуқликни бир-икки кунлик тайёру яримтайёр овқат, маҳсулотларга тўлдириман, пишириб, ейишади деб. Кетаётиб фарзандларимга тайинлайман: “Йўқлигимни кўшилларга билдирманглар, айниқса, Бахтигул опанга”. Қаёқда, бир сутка ўтар-ўтмай хабарнома келади телефонимга: “Опажон, яхши етиб олдингизми, ҳеч нарсани ўйламай, мазза қилиб дам олинг, даволанинг, отдай бўлиб келсангиз бўлди. Болаларимдан (фарзандларимни шундай атайди) хавотир олманг, кўз-қулоқ бўлиб тураман”. Сўнг кунда-кунора ёзиб туради: “Яхши ўтиришибди, ўқишларига ҳам вақтида боришпти, кеча биргаликда дарс қилдик, хавотир олманг...”

Қайтиб келсам, ҳамма ёқ саришта, озода, хоналарга аёл қўли теккани билиниб туради. Ошхонага кирсам, идиш жавонда анчагина таниш-нотаниш лагану ликопчалар, Бахтигул ва ундан эшитган бошқа ҳам-соғларим таом билан йўқлашганидан дарак бериб туради.

Халқимизда “Ҳовли олма, қўшни ол”, “Гилам сотсанг, қўшингга сот” ёки “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши” деган ҳикматлар бежиз



тилдан тилга кўчиб, қадрланиб келмаган. Яхши-ёмон кунимда ҳам уларнинг меҳри, тафтини ҳис қилиш бахт. Фарзандларим бошланғич синфда ўқиётганида ўзи ёлғиз қолмасин, деб уйига кирипти, қорнини тўйдириб, хотир-жам этган ҳам шу қўшилларим. Бемор бўлсам, шифобахш дамламаю тансиқ

таомлар пишириб, тузалмагунимча гирдикапалак бўлган ҳам улар. Фарзанд кўрганымда навбат билан бориб, ҳол сўраган, кувончимга шерик бўлган ҳам шу меҳрибонларим.

Бир кал касалхонада даволаниб чиққан онам уч кунгина бизникида қолди. Нонуштага ўтиришимиз билан



эшик тақиллади, очсам юқори қаватдаги қўшним Нодира бир лаган иссиқ сомса узатди: “Ҳозиргина пиширдим, томоғимдан ўтмади”. Сомсахўрлик қилаётсан, яна чақирув овози эшитилди, Бахтигул баркашни тўлдирди – торт, салат ва компот олиб чиқибди. Ундан сўнг яна бир ҳамсоям...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” муҳбири



ОЙНА

# ОҚТОШ, КЎЗЁШГА АЙЛАНМАГИН!

Чоршанба кун муҳтарам устозларимиздан бири жазирамадан қочиби, Оқтош тарафларда жон сақлаётганини эшитиб, кеч соат олтиларда шоир Ғайрат Мажид билан йўлга чиқдик. Аввалига қайси тарафдан бориш қулайроқ деган савол кўндаланг бўлди ўртамизда. “ТТЗ-Дўрмон” йўлининг кечаю кундуз тирбандлиги маълум. Охири “Янги Ўзбекистон боғи” томондан кесиб чиқдик бир амаллаб. Қибрайдан Чирчиғу Бўстонлиққача бу савил қолгур “антирадар”даги хонимчанинг жағи тинмади. Ҳар қадамда “60”дан ошма деб қичқиради. Шунча юртлар кезиб, узоқни кўяверинг, ҳатто қўшниларимиз Қозоғистон ва Тожикистон Республикаридаги ҳавас қиларли трассаларида неча биздагидек рекорд даражада видеокузатувлар ўрнатилмаганига ҳайронлар қоласан киши. Нима, уларда ҳайдовчилар ўта маданиятлимикан ё, деб ўйлаб қўяман. Жуда жумбоқли саволга ҳали-вери жавоб тополмасак ҳам керак. Хуллас, “радарлар тўри”дан бир илож қилиб қутулгач, сўлим ва хушҳаво Оқтош тарафга қайрилдик!

Устига устак телефонимиздаги “локация” кургурам нуқул қалғатади. Икки соат деганда улоқиб-улоқиб зўрга айтилган манзилни топиб бордик.

Оқтошнинг ҳавосига гап йўқ. Пойтахтнинг 40 даражалик иссиғидан келган одамнинг эти тоғлар бағридаги сўлим гўшанинг 25-26 градусли ҳароратидан жунжика бошларкан. Худойимнинг марҳаматини кўрингки, битта юртда тўрт хил ҳаво ҳарорати ҳукмрон...

“Истаганча тўйиб-тўйиб нафас олволайлик, эртага шўям ганимат” деб қўяман шоирга қараб. Унинг бўлса манзилни топганимизча бўлари бўлди, шекилли, анча толиққани бирданни сезилди.

...Энди гапнинг бердиси эшитинг: неча айнан бугун, иш қизиган, устига устак, газетачилар тили билан айтганда, “вёрстка”(саҳифа-лаш) жараёни тугар-туғамас қадрдон устозим зиёратига шошилганим сирини айтайин. Қарийб чорак асрдан бери гоҳи отамиздай бошимни силаб, энг оғир ва машаққатли синовлар қаршида охири қолган маҳалларимда қўллаб-қувватлаган, пойтахтда бошпанасиз, дайдиб юрганимда ижара пулларига ўзи тўлаб меҳрибонлик кўрсатган инсонни йўқла-маслик гуноҳ эмасми?! Йўқ, фурсат топдим дегунча хузурга чопаман. Дуоларини олмоққа шошиламан. Лекин шу орада ҳар хил бўлар-бўлмас ташвишлар, ишларга чалғиб ўтолмадим. Аҳён-аҳёнда минг бир хижолат билан телефонимдан SMS хабари йўллаб қўяман. Хабарчани ўқийди. Лекин жимлик. Бир оғиз жавоб келмайди. Ҳизми ўзим “ёб” қўяман. Минглаб шум хаёллар кечади бошимдан. Нега? Мендан хафамикан ё? Яқинда таниқли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг жанозасида ҳам

кўрдим узоқдан. Одамлардан сал холи бўлишни кутиб турдим ва секин ёнига бориб кўришдим. Негадир ҳорғин ва ғамгин эди жуда...

Эртаси кун Дўрмонда ижодий ишлар билан банд бўлмиш дўстим Рўзимбой Хасанини кўргани ўтдим. Хоразмликлар мулозаматдан кейин туғилган деб ҳазиллашаман Рўзимбойга ва гурунгимиз боғнинг ўзига теггина ниҳоя топаётгани учун фурсатдан фойдаланиб қолмоқ умидида, яна устознинг телефон рақамини тераман беихтиёр. Узоқ чақирди телефон бечора. Йўқ, яна олмади трубкани. Жимгина хайрлашдим ва уйга шошилдим...

Яна тонггача ўйлаб чиқдим. Қаерда хато қилдим? Нега хабару телефонларимга жавоб бермапти? Ўйлаб-ўйлаб охири ишга келиб SMS ёзмаққа чоғландим:

**“Ассалому алайкум ... ака, омонмисиз? Соғлиқларингиз анча яхшими? Сизга бир неча марта кўнғироқлар қилдим, хабарлар ёздим, жавоб ёзмаганингизга кўнғилмада анча хижолат туғилди. Ё мендан бирор хатолик ўтдими, биров бирор нарса дедими ё мен ҳақимда. Оллоҳ сақласин, устоз, ҳали шу кунгача сизга, номингизга, маслаҳат, дуоларингизга ҳеч қачон терс иш қилганим йўқ. Қилмайман ҳам... Оллоҳ шохидки, сиздан бир умр қардорлигимни англаганим учун ҳар доим сизга талпинаман, дуоларингизга муҳтожлик сезаман. Сизга дуойи саломлар билан”...**

Орадан кўп вақт ўтмади. Жавоб келди: **“Ассалому алайкум, саломатмисизлар? Кейинги вақтда дарадлар билан курашиб қолдим. Икки марта шифохона, яна муолажалар. Шу ўртада сафарлар. Тўшақдан**

туриб, икки марта жанубга сафар, бемор онамизни йўқлаш, сўнг таъзия...”

**Сизга эҳтиромим бағоят баланд, мингдан минг розиман ва мамнунман. Аллоҳ рози бўлсин. Оқтошда дам оляпман. Манзилни юбораман”...**

Ўша маҳалда менинг холи-аҳолимиз кўрсангиз эди. Осмонларга чиқиб кетдим гўё-

сўз борди). Биз ҳамон адабиётимизнинг яқин ўтмишдаги сир-асрорлари ҳақида айтилмаган ҳақиқатларни билмоққа қизиқамиз. Лекин уларни ҳар доим ҳам ошкор этмоққа ҳар кимнинг юраги дов бермайди.

Бир маҳал ўртада озгина нафас ростланган чоғда тарихга муҳрланаётган ёзувларни текширай десам, бизнинг гурунгимизни ба-

масмида?” десам, устоз маҳзун овозда “Эҳ, нимасини айтасиз, тўрт тарафдам аҳвол шу, кечаю кундуз тинмайди бу шайтон ўйинлари” деб кўйди...

Одамни айтасиз, ҳатто тоғларга ҳам сокинлик ёқди. Биз бу билан Оқтош ё Чимён, Чорбоғу Амирсойларда ҳам аҳвол шундай демоқчимасмиз. Қайтанга, ички ва ташқи туризм тобора ривож топаётган юртда бу соҳага жиддийроқ ислохотларни жорий этиш вақти келмадимикан? Тасаввур қилинг, 24 соат шовқин-сурон ичида яшаётган одамларни! Шундоғам асаблари толиққан инсонлар тоғлар бағрида бир юрагимиз ёзайин, ҳаво алмаштириб келай деб юрибди. Бу ёқда эса...

Айтишларича, тоғлар бағридаги қишлоқлар аҳолиси ҳам бундай талотуплардан чарчаган. Пули бор бойвачча – “тадбиркор”лар кўнгли истаган ишни қилиб ётибди. Бу кетишда эртага тоғлар бағридаги экологик вазият қандай бўлади? Бу ҳақда ким уйлаши керак, деган ҳақли саволлар ҳам ўртага чиқаётди.

Нимасини айтасиз, икки соатлик гурунгимиз барибир татимди. Қўлоқларни қомагга келтиргulik мусика садолари, юракларни титроққа солгучи мушаклар овози ортимиздан келиб турди. Асаблар сўлғин, вуждимиз ҳорғин аҳволда пойтахтга қайтиб келдик...

**P.S.: КЕЧА ЎғЛИМИНИНГ ТЕЛЕФОНИГА 2 ТА ЖАРИМА ҲАҚИДАГИ SMS КЕЛИБДИ: ҲАР ҚАДАМДА ЎРНАТИЛГАН ВИДЕОРАДАРЛАРНИНГ НОХУШ ХАБАРИ – ЯЪНИ ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАН ЎТИШДА ВА ҚАЙТИШИМИЗ – ТОШКЕНТГА КИРАВЕ-РИШДА “60” ТЕЗЛИКНИ САЛГИНА ОШИРИБМИЗ. АГАР ТЕЗРОҚ ТЎЛАСАҚ, ЯРМИДАН КЕЧАРМИШ. ШУНИСИ ЕТМАЙ ТУРУВДИ, БУ НЕ КЎРГИЛИК?!**

Озод КАРВОН



ИЗОХ: ушбу расмининг Оқтошга алоқаси йўқ!

ки, руҳим анча энгил тортиди.

Ниҳоят “катта танавфус”дан кейинги дийдорлашу унутилмас бўлди. Гўзал маърифий суҳбатлар, улуғлар ёди, она табиатнинг ажиб ҳавоси... ҳамма-ҳаммасидан ҳайратда эдик. Гурунг орасида мезбонга секин сез-дирмай, митти диктофончани ёқдим. Шундай соҳир мулоқот, ўлмас тарихий хотираларни яна қачон эшитиш мумкин деган хавотирда эдим (Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Улмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орифун Эркин Воҳидовнинг аламли қисмати, ибратли ҳаёти, бетақдор ижоди ҳақида шу пайтгача айтилмаган кўп ҳақиқатлар хусусида ҳам

ланд овоздаги шармандали мусикалар босиб кетибди. Бўлмади, энг ёмони, сеҳрли ва майин овозлар ўрнига бир балоларни ёзибди диктофончам. Ҳеч нарсага тушуниб бўлмади.

Ана шунда... асаблар таранг тортиди. Ёнгинамиздаги ҳашаматли меҳмонхона ҳовлисида рўй бераётган бақир-чақирлар, гўзал тоғларнинг ўз акс садоси билан кўпориб юборгудек жаранглаётган ажнабий мусика овозлари, устига устак, осмонга отилаётган мушакларнинг гўмбурлаши... юракни тешворай дейди! Тасвирлаб беролмайман мен бу даҳшатли манзарани.

“Қандай чидаясизлар бунга, шундан кўра сал пастрокдан жой топсангизлар бўл-

ТИЛБИЛИМДАН БИР ЧИМДИМ

...80-йиллар, болалик давримизда, бу сўз айнан шу шаклда бизнинг шевада кўп ишлатиларди: “Фалончининг уйига кўнуқ тушди”, “Фалончининг уйидаги меҳмонларга кўнуқ беринг”. Бу каби жумлаларни асосан тўйларда эшитиш мумкин эди. Чунки ўша давр тўйларида узоқдан келган ёки алоҳида эйтиборда бўлган меҳмонлар учун тўйхонадан ташқари кўни-қўшни, ақилларнинг уйларида алоҳида зиёфат берилар ва бу меҳмонлар гуруҳига нисбатан “кўнуқ” (“кўноқ”) дейиларди (“Фалончининг уйига кўнуқ тушди”). Бу меҳмонлар дастурхонига қўйиш учун емаклар, бирор овқат қилиш учун масаллик, гўшт, гуруч, ёғ, нон, ароқ каби маҳсулотлар бир тугунга тугилиб тўйхонадан келтирилларди.

Шундай қилиб, ўша пайтларда тўйга оид атамага айлиниб улгурган “кўнуқ” сўзи икки маънода: биринчиси, тўйхонадан бошқа хонадонга тушган меҳмонлар гуруҳи; иккинчиси, улар учун тўйхонадан келтириладиган емаклар тугунига нисбатан айтилларди.

Кейинчалик тўйларнинг шакли ўзгарди. Оқибатда “кўнуқ” ҳам истеъмолдан чиқиб қолди. Бу сўзнинг адабий тилдаги “кўноқ” шаклини биламиз. Аммо бу сўз китобий туюлгани учун маҳаллий сўзлашу тилимизга кўчмади. Шундай қилиб, сўзлашу тилимиз-

## ҚЎНУҚ

да “кўнуқ”дан ҳам, “кўноқ”дан ҳам воз кечиби, асли форсча “меҳмон”-ни сақлаб қолдик.

“Кўнуқ” – аслида адабий тилдаги “кўноқ”нинг қадимий кўриниши, Кошғарий бобомиз ҳам “Девону луғотит-турк”да айнан шу шаклда келтилади: “كۆنۆق қонуқ – меҳмон. Шеърда шундай келган:

**Бардӣ эрән қонуқ,  
Болуб қутқа сақар,  
Қалдӣ аліғ уюқ  
Көрӯб эвнӣ жіқар. –**

(Маъноси:) Меҳмонни бахт деб ҳисобловчи эрлар ўтиб кетди, шарпани сезса, кириб қолмасин деб чодирини бузадиганлар қолди” (ДЛТ. I том. Т.:1960. 365-бет).

“Девон”да бошқа бир ўринда эса “кўнуқ” сўзи “меҳмон” эмас, иккинчи маънода, яъни “меҳмонга бериладиган зиёфат” маъносида қўлланган: “Қиш қонуқи ўт – (маъноси:) қишнинг зиёфати ўт (олов) дир” (ДЛТ. I том. Т.:1960. 320-бет). Демак, минг йил олдин ҳам бу сўз икки маънода ва айнан шевадаги каби “кўнуқ” шаклида қўлланган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутағду

билег” асарига “меҳмондорчилик” маъносида бир ўринда “қонуқлуқ” сўзи ишлатилади: “Талим турлуғ-ул қонуқлуқ ашы – маъноси: Бу меҳмондорчилик оши кўп турлидир” (ҚБ. Т. “Фан”. 1971. 682-бет).

Буни қаранг, бу сўз, минг йил олдин Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб боболаримиз қандай шакл ва маъноларда қўллаган бўлса, шевада айнан шу шакл ва маъноларда то бизнинг авлодгача етиб келган. Бизнинг авлод – бу сўзни айни шу шакл ва маъноларда қўллаган сўнги авлод бўлиб қолдик, афсус.

“Кўнуқ” ва шу каби кўплаб сўзлар “кўноқ” феълидан ясалган, аммо кейинги пайтларда бу феълнинг маъно кўлами тора-йиб, ҳозирда асосан қуш, учоқ кабиларнинг учиб келиб қўнишига нисбатан ишлатилмоқда. Илгарги эса бу феъл шу билан бирга: “бирор жойда ерлашмоқ, жойлашмоқ, кўчиб келиб қўноқ” каби маъноларда ҳам кенг қўлланилган. Хусусан, “Девон”да бу феъл шундай изоҳланади: “қондӣ – қўнди, бирор нарсага жойлашди. Қуш қондӣ – қуш қўнди, бирор нарсага



жойлашди. Бўдун қондӣ – қабила (бирор ерга) кўчгандан сўнг қўнди” (ДЛТ. III том. Т.:1963. 201-бет).

Тилимиздаги бир қанча сўзлар “кўноқ” феълининг айнан ана шу: “жой олди”, “ерлашди” маънолари асосида ясалган: **ҚЎШНИ** – бу сўз ҳам “кўноқ” феълдан “қўн+ши” шаклида ясалган бўлиб, кейинчалик “н” ва “ш” товушлари алмашинуви содир бўлган. “Девону луғотит-турк”да ҳар иккала шакли келтирилади: “Қошнӣ – қўшни. Уғузлар “н” ҳарфини “ш” ҳарфидан олдин қўйиб “қоншӣ” дейдилар. Ҳар иккиси ҳам қоидига мос ва тўғридир” (ДЛТ. I том. Т.:1960. 408-бет). Навоий ҳам бу сўзни “қўшни” эмас, “қўнғи” шаклида қўллайди. Демак, “қўш-

ни” сўзининг луғавий маъноси: “ёнма-ён қўнган, яъни ерлашган, жойлашган”, дейиш мумкин. ҚўНИ-ҚЎШНИ деганда эса мазкур феълдан ясалган икки сўз “кўнуқ” ва “қўшни” иштирок этади: аслида ҚЎНУҚ-ҚЎШНИ – кейинчалик ҚЎНИ-ҚЎШНИга айланган. Шунингдек, тилимизда “қўним топмоқ”, “қўнимсиз”, “қўнолға” каби ибора ва сўзлар мавжуд.

Маҳмуд Кошғарий “Девон”да мазкур ўзақдан ясалган “қонум” сўзини “уруғ-аймоқ” маъносида келтиради. “Қутағду билег”да эса Юсуф Хос Ҳожиб “ўрин, жой” маъносида – “қонут” сўзини қўллайди (“Йануты байат бэргэ эдгу қонут” – маъноси: “Эвзига Тангри эзгу ўрин (жаннат) беради” ҚБ.

Т. “Фан”. 1971. 668-б.). “Девон”да, шунингдек, “кўнуқ” отидан ясалган қатор сўзлар ҳам келтирилади: “қонуқлади – меҳмон қилди, қонуқлуқ эв – меҳмонхона” ва ҳоказо.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам: қўноқ (меҳмон), қўноқхона (меҳмонхона), қўноқламоқ (тунаш учун кушларнинг қўнолгага чиқиши ёки сафардаги кишининг бирор жойда тунаши) каби сўзлар келтирилган, аммо, афсуски, бу сўзлар ҳам кейинги пайтларда истеъмолдан чиқиб бормоқда. Уларга қайта ҳаёт бахш этиш эса сизу бизга боғлиқ.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ НАВАТДАГИ СОНИ 24 АВГУСТДА ЧИҚАДИ.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шуҳрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сироҷиддин САЙИИД  
Адҳам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.  
Буюртма рақами: Г – 845  
Адади: 9284  
Баҳоси келишилган нархда.  
Топширилди – 21:50

Таҳририятга келган қўлғизлар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Фаррух ЖАББОРОВ